

**2005-2**

**Мансабдор шахсининг масъуллик ҳолати нотўғри белгиланганлиги суд қарорлари ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 11 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2004 йил 7 декабрдаги ҳукмига кўра, Т., Н. ва П.лар ЖК 210-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан судланганлар.

Суднинг ҳукмига кўра, Т., Н ва П. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлар.

Дўстлик туманлараро тиббий меҳнат экспертизасининг хайъат раиси Т. шу комиссиянинг аъзоси Н. билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда М.ни тиббий кўрикдан ўтказишиб, уни руҳий касаллиги туфайли 2-гурух ногиронлигидан 3-гурух ногирони тоифасига ўтказиш ҳақида хайъат аъзоларига нотўғри хулоса беришган. А. ўғли М.га 3-гурух ногиронлиги белгиланганлигидан норози бўлиб эътироз билдирганда Т. бу масалада Н.га учрашиши кераклигини айтган. Н. эса Т. билан келишилган ҳолда ўз навбатида ногиронликни 2-гурухга ўтказиш эвазига А.дан 200.000 сўм пора талаб қилган.

2004 йил 3 сентябрь куни А. тиббий меҳнат экспертизаси хайъат ҳамшираси П.га учрашиб, Т. ва Н.лар талаб қилишган 200.000 сўмни пора сифатида унга берганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари томонидан ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2005 йил 5 апрелда қуйидагиларга асосан протестни қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 12-бандида пора олишда айбланаётган мансабдор шахснинг масъуллик ҳолати масаласи суд томонидан ушбу шахснинг эгаллаб турган лавозими, амалга оширадиган хизмат амаллари ва вазифаларининг аҳамияти, зиммасига юклатилган ҳуқуқ ва ваколатлар, шунингдек, айбдор ишлаётган ташкилотнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ишни кўришда ушбу Пленум қарорининг бу талабига риоя қилмаган.

Жиноят иши материаллари бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, Т. Дўстлик туманлараро 3-сонли тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг раиси лавозимида, Н. эксперт-невропатолог, П. ҳамшира бўлиб ишлашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарорининг 1-иловасида, «Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг умумий қисми биринчи боб 8-бандида тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ўз фаолиятини комиссия аъзолари иштирокида амалга ошириши, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси фаолиятига доир барча муҳим масалалар комиссия аъзолари томонидан комиссия йиғилишида ҳал этилиши кўрсатилган бўлиб, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси раисига, врач-невропатологга масъул вазифаларни ҳал этиш ваколатлари берилмаган. Комиссия раисига чекланган ваколатлар асосида раҳбарликни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Бундай ҳолатда Т., Н. ва П.ларни масъул мансабдор шахс лавозимини эгаллаган шахслар деб, ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгартириб Т., Н. ва П.ларнинг ҳаракатларини ЖК 210-моддаси 3-қисмининг «б» бандидан шу Кодекс 210-моддаси 2-қисмининг «в» бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

**ЖСҲ- 45-05 сонли ажрим**